



«MIKROKREDITBANK»

BUYRUQ

«Mikrocreditbank» aksiyadorlik-tijorat banki
joint-stock commercial bank «Microcreditbank»
Акционерно-коммерческий банк «Микрокредитбанк»

*O'zbekiston Respublikasi
100096, Toshkent sh.,
Lutfiy ko'chasi 14,
Tel.: + 998 (71) 273 28 11,
Faks: + 998 (71) 273 05 90,
E-mail: Office@mikrocreditbank.uz*

«13» декабр 2021 й.

№ 63

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддаси ҳамда “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқарувнинг 2021 йил 2 августдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки тизимида банк эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 55-3-сонли қарори билан тасдиқланган Низомининг 6-бандига асосан,

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки тизимида банк эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича комиссиянинг янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан банкнинг 2021 йил 28 апрелдаги 25-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Комиссия аъзоларидан бири бошқа ишга ўтган ёки бўшаган тақдирда мазкур таркибга уларнинг лавозимига янгидан тайинланган шахслар киритилади.

4. Белгилансинки, комиссия мураккаб ва йирик лойиҳалар бўйича харидларни амалга оширишда, шунингдек, бошқа ҳолатларда лозим деб топилганида банк ходимлари ҳамда жалб этилган мутахассислар иштирокида баҳолаш ва экспертлик ишчи гуруҳларини тузиши мумкин.

5. Комиссия раисига экспертлик ишчи гуруҳига жалб этилган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш учун улар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

6. Мазкур буйруқ ижроси устидан назорат Бошқарув раиси ўринбосари Б. Алланиязов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси

О.Бутаев



Ижр.: С.Саламов

<https://hujjat.uz/doc.jsp?id=59ed598b-ad8b-452a-bc50-316b34362958&pin=Ae3tXCcU>